

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хомитов К.З., Хайруллаев И.Н.

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш орқали молиялаштириш ҳолати таҳлил қилинган ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, инвестицион лойиҳа, хорижий инвестиция, кафолат, синдикатли кредит, тижорат банки, фоиз ставкаси, ресурс база.

В данной статье анализируется современное состояние синдицированного кредитования инвестиционных проектов в Узбекистане и даны предложения по его совершенствованию.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционный проект, иностранные инвестиции, гарантия, синдицированный кредит, коммерческие банки, процентная ставка, ресурсная база.

КИРИШ

Инвестиция лойиҳаси тушунчасини уни йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин. Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўпламидир. У инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш деганда, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни амалиётга мақсадли татбиқ этиш, шунингдек, мониторингини олиб бориш харажатларини қоплаш учун оптимал инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларнинг ҳисоб-китобини чиқариш тушунилади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги вақтда инвестиция соҳасида энг мукамал фундаментал дарсликлардан бири АҚШ иқтисодчи олимлари У.Шарп - иқтисодиёт бўйича 1990 йилда Нобель мукофоти лауреати, Г.Александр, Дж.Бэйли томонидан ёзилган “Инвестиция” дарслиги ҳисобланиб, унда молиялаштиришнинг мақсади ва инструментлари ҳар томонлама ва қўлай шаклда кўриб чиқилган, қимматли

қоғозларнинг ва фонд бозорларининг барча турлари баён этилган, уларнинг фаолият кўрсатиши назарий ва амалий жиҳатдан баён этилган, аниқ мисоллар, графикалар ва жадваллар билан келтирилган.

Шунингдек, инвестицион лойиҳалардаги бошқарув rischi асослари, riskларни бошқаришнинг умумий назарияси масалалари Россиялик иқтисодчи М.В.Грачева умумий таҳририятида ёзилган “Риск-менеджмент инвестиционного проекта” китобида баён этилган. Унда, инвестицион лойиҳаларда riskни бошқаришнинг асосий босқичлари, лойиҳа riskини таснифланишига маълум ёндашувлар ифодаланган, лойиҳа riskларини бошқариш инструментлари сифат жиҳатидан таснифланган ва таснифланган ҳамда инвестицион лойиҳаларда riskни бошқаришнинг иқтисодий-математик моделлари, хусусан, сезувчанлик таҳлили, имитацион моделлаштириш сценарий ёндашуви асослари баён этилган.

Бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган мамлакатимиз олимлари Б.С.Маматов, Д.Ю.Хўжамқулов ва бошқаларнинг “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” китобида инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг иқтисодий моҳияти, инвестицияларни молиялаштириш жараёнларининг асосий босқичлари, иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли баён этилган. Шунингдек, инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштиришни ривожлантиришда инвестиция муҳитининг ўрни, инвестиция фаолиятида капитал қурилиш, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш, инвестицияларнинг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби мавзулар тадқиқ этилган.

Шунингдек, Э.И.Носиров ва бошқалар томонидан ёзилган “Инвестиция riskларини бошқариш” номли ўқув қўлланмада инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида riskларни бошқаришнинг назарий асослари баён этилган. Инвестиция riskларини турлари ва шакллари ифодаланиб, riskларни бошқариш бўйича халқаро молия институтлари тажрибаси кўрсатиб берилган. Ўзбекистонда инвестиция riskларини бошқаришнинг самарали усуллари, воситалари ва имкониятлари очиб берилган.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий ривожланиш мақсадида инвестицияларни кенг жалб қилиш барча давлатлар учун муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожланишнинг стратегик дастурларини амалга ошириш, янги бозорларни эгаллаш қўшимча маблағ қўйилмалари талаб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари ва уларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар¹

№	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари номи	Бажарилган ишлар ва натижалар
1.	“Самарқандкимё” АЖ	240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.
2.	Тошкент иссиқлик электр станцияси	Станцияда 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди.
3.	Чорвоқ ГЭСи	ГЭС гидрогенераторлари модернизация қилинди
4.	Қўнғирот сода заводи	Кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди
5.	Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси	Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири сифатида йилига 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш имконини беради.
6.	Муборак газни қайта ишлаш заводи	6 миллиард куб метр газ ишлаб чиқарадиган учта олтингугурт тозалаш блоки ишга туширилди.
7.	Марказий Осиё – Хитой газ қувури	Йилига 25 миллиард куб метр газни узатиш имконини берадиган Марказий Осиё – Хитой газ қувурининг 1 минг 830 километр узунликдаги учинчи тармоғи ишга туширилди.
8.	Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш	Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннел қурилиши яқунланди ва Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини ишга туширилди.
9.	Навоий иссиқлик электр станцияси	Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилди ва қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.
10.	Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи	Қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу лойиҳа йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлди ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат заҳиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий-маданий шароитлар кирди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил яқунлари бўйича маъруза материалларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Умумий олганда, инвестиция ресурсларини шакллантиришни учта гуруҳга бўлиш мумкин: ўз маблағлари; қарз маблағлари; жалб қилинган маблағлар.

Инвестиция лойиҳалари юқорида келтирилган уч гуруҳли манбалар эвазига молиялаштирилар экан, бунда молиялаштиришнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилади. Шундай усуллардан бири – бу синдикатли кредитлаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш, одатда, лойиҳани амалга ошириш учун катта миқдордаги молиявий маблағлар талаб этилган ҳамда уни биргина инвесторнинг маблағлари эвазига молиялаштиришнинг имкони йўқлиги ёки камдан-кам ҳоллардагина инвесторнинг маблағлари етарли бўлган шароитда ҳам у шунча миқдордаги молиявий ресурсларини биргина лойиҳага сарфлаб, оқибатда ундан ажралиб қолишни истамаган вақтда юзага келиши билан жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Синдикатли кредитлаш йирик инвестиция лойиҳаларини бир неча кредиторлар маблағлари эвазига молиялаштиришни аниқлаб, у иқтисодиётда йирик ишлаб чиқариш ва уни молиялаштиришга инвестицияларни жалб этишга бўлган талабларни қондиришда муҳим молиявий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу масалага жиддий эътибор қаратиш нақадар муҳим эканлигини мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ўз маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар: “... иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас”[1].

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта

куроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к [3] .

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар²

№	Йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилган йил	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари сони	Ишга туширилган йирик инвестиция лойиҳалари ҳажми, АҚШ долл.
1.	2012	205 та	1,6 млрд.дан ортиқ
2.	2013	150 та	2,7 млрд.
3.	2014	154 та	4,2 млрд.
4.	2015	158 та	7,4 млрд.
5.	2016	164 та	5,0 млрд.
6.	2017	161 та	2,4 млрд.
7.	2018	76 минг та (барчаси)	21 трлн. сўм ва 1,0 млрд \$

Бунда яқин ва узоқ хорижий давлатлар инвестициялари ва кредитларини жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Уларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштироки ва ҳиссасини ошириш иқтисодий модернизацijoje муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда бу каби фаолиятлар жадал амалга ошмоқда, хусусан, 2018 йилнинг апрель ойида Бухоро вилоятида Россия Федерациясининг “ЛУКОЙЛ” компанияси билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 3,4 млрд. АҚШ доллари бўлган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишга туширилди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг расмий ташрифи билан Қозоғистон давлатига борганида 2 давлат ўртасида 1 млрд. АҚШ долларилек битимни, Россия Федерациясига борганида қарийб 16 млрд. АҚШ долларилек битимни, Хитой давлатига борганида 23 млрд. АҚШ долларилек битимни имзолаб келдилар. Бундай алоқалар Саудия Арабистонига борганида ҳам амалга оширилди. Яқин кунларда Туркманистон давлатига яна расмий ташриф билан сафар уюштирадилар [7].

Буларнинг барчаси мамлакатимизга ташқи инвестицияларни жалб этиш ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатишда ва натижада йирик инвестициялаш объектлари ишга туширилиши оқибатида долзарб муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини синдикатли

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил якунлари бўйича маъруза материалларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланди.

кредитлаш ва бошқа лойиҳаларни молиялаштиришни хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширишни янада фаоллаштиришда ўзига хос муаммолар ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашнинг ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда лойиҳаларини синдикатли молиялаштиришда банк кредитининг молиялаштириш манбалари иштирокини белгилайдиган омиллар орасида рақобат муҳитининг бўлиши ва умуман Марказий банк олиб бораётган пул-кредит, фоиз сиёсати ҳамда банк институтлари стратегияси асосий ўринда туради. Синдикатлаштирилган кредитлаш дунёнинг барча мамлакатларида кенг қўлланилади. Фарбда йирик лойиҳаларнинг 80 фоизигача синдикатлаш асосда кредитланади. Ҳозирги вақтда эса Ўзбекистонда бундай кредитлар бозорини янада ривожлантиришга ёрдам берадиган шароитлар вужудга келди.

Синдициялаштирилган кредитни бир неча хусусиятларига кўра туркумлаш мумкин. Масалан, синдикатнинг амал қилиш муддати билан боғлиқ ҳолда, синдициялаштирилган кредитлар қуйидаги турларга бўлинади:

➤ вақтинчалик, яъни битта йирик инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун ташкил этилган;

➤ доимий ҳаракатдаги, паритет асосида банклар таъсис этади;

➤ таъминланганлик нуқтаи назаридан, синдициялаштирилган кредитлар қуйидаги турларга бўлинади;

➤ таъминланган, яъни қарз олувчи ликвидли гаров ёки кафолатни тақдим этиш мумкин;

Синдикатда қатнашиш имкониятига қараб, синдициялаштирилган кредитларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

➤ очик тури, яъни бунда ҳамма хоҳловчи банклар ресурслари билан қатнашиши мумкин;

➤ жамоали, бирлашган ҳолда, яъни кредиторлар таркибига аниқ ва чегараланган банклар кириши мумкин.

Ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш асосида амалга ошириш ўзига хос мураккаб жараён бўлганлиги сабабли инвестиция лойиҳаси мониторингини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни такомиллаштириш учун қуйидагиларнинг таъминланганлигига эришиш мақсадга мувофиқдир:

➤ сиёсий барқарорлик ва давлатнинг иқтисодий тартибга солиш сиёсатидаги аниқлилик;

➤ лойиҳавий молиялаштиришнинг қонуний асосини шакллантириш;

➤ лойиҳавий молиялаштиришнинг механизмларига давлатнинг қўмақлашув тизимини яратиш (жумладан, молиявий);

➤ менежер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг амалий тажриба тўплашларини таъминлаш;

➤ капитал ва ҳосилавий молия инструментлари бозорининг кейинги ривожланишига эришиб бориш [5].

Инвестицияларнинг сафарбар этилиши, кўп жиҳатдан, лойиҳаларнинг

юқори самарадорликка эғалигига асосланади. Сабаби, бундай инвестиция лойиҳалари катта фойда олиш имконини беради. Одатда, юқори фойда олиш аксарият инвесторларнинг асосий мақсади бўлганлиги боис, бундай лойиҳаларни молиялаштиришдан инвесторлар манфаатдор бўладилар. Лекин ҳамма инвесторлар ҳам инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдан аввал уларнинг турли иқтисодий кўрсаткичларини, риск даражасини баҳолайдилар ва лойиҳани молиялаштириш учун ўзларининг турли хил талабларини қўядилар, шунингдек ўз имкониятларини ҳам ҳисобга олишга мажбурлар [6]. Хоҳиш ва мақсадларга мос бўлган лойиҳаларнинг улар томонидан молиялаштиришга қабул қилинишлари табиийдир.

Одатда, барча инвестиция лойиҳалари ҳам бир хил кўрсаткичларга эга бўлавермайди. Айрим кўрсаткичлар бир лойиҳада юқори ижобий бўлса, бошқа лойиҳада эса аксинча бўлиши мумкин ва яна бир айрим кўрсаткичлари эса бир лойиҳада бошқа лойиҳадагига нисбатан пастроқ миқдорга эга бўлиши мумкин. Бир соҳага хос бўлган лойиҳаларнинг бундай (ўзаро зиддиятли) маълумотларга эга бўлиши, улар ўртасидаги рақобатни вужудга келтиради. Инвестиция қарорларини қабул қилиш, айниқса, рақобатли инвестициялар шароитида бирмунча қийин вазиятларни келтириб чиқаради.

Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қуйидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг энг қисқа фурсатда қопланиши ва юқори фойда келтириши.

2. Инвесторнинг капитал бюджети чекланганлиги.

Инвестициялар у ёки бу натижаларта эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятлари таъминланган ҳолларда ўзаро зиддиятли инвестициялар ҳисобланади ва рақобатлашувчи инвестициялар деб аталади. Муқобил инвестицияларни таққослаш эса улар ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги илмий асосланган хулосаларга келинди:

- инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги юқори кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган режа (башорат)ларнинг ҳақиқий бажарилишига боғлиқ бўлади. Бу башоратларнинг ҳаммаси юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва юқори фойда асосида сотишга қаратилган. Бунда лойиҳаларнинг технологик таркиби лойиҳа ва қувватининг босқичма-босқич ўзлаштирилиши кабилар лойиҳа самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур;

- молиялаштириш жараёни синдикатли кредитлаш асосида амалга оширилган объектни ишга туширишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ тўлиқ лойиҳа қувватига эришишни режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг аксарият қисми маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларида айрим муаммолар юзага келиши сабабли нореал ҳисобланади. Шу сабабдан лойиҳа режасини ишлаб чиқишда уни лойиҳанинг тўлиқ қувватига эришишини

инвестиция объектини ишга туширган вақтнинг учинчи-тўртинчи йилларига келиб, йирик ва мураккаб лойиҳаларда эса 5-10 йиллар ичида ўзлаштиришга мослаштиришга ҳаракат қилиш керак;

- лойиҳалардаги бундай режалаштириш соҳа, лойиҳа хусусиятларидан, ишлаб чиқариш турларидан, бозор ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади ва маҳсулотнинг узлуксиз ва максимум имкониятлар билан сотилишига қаратилган бўлади. Лойиҳалардаги бу ва бошқа жиҳатлар улар ичидан энг самаралисини танлашда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши сабабли тўғри қарор қабул қилиш муаммоси ҳар доим долзарб масала ҳисобланади. Бунда, айнан муқобил лойиҳалар танлови асосида энг юқори самарали инвестиция лойиҳаси танлаб олиниши, синдикатли кредитлаш асосида молиялаштириш амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // uza.uz. 16.01.2017.

2. Ниязов Ф. Банки увеличивают объемы финансирования инвестиционных проектов. // Журнал “Рынок, деньги и кредит”, 2014. - №6. - С. - 31.

3. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. - 84-б.

4. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник – М.: Дашков и К, 2010. - С. - 143.

5. Проектное финансирование: синергетический аспект: Учебное пособие / Г.А.Поташева. - М.: НИТс ИНФРА-М, 2015. - С.- 171 с.

6. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. – М.: Юнити, 2009. - С. - 44.

7. Интернет сайтлари:

www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти;

www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти;

www.gov.uz - Интерактив давлат хизматлари ягона портали;

www.kun.uz – интернет сайти.